

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИ ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАРИ

Д.А. Каримжанова

ТВЧДПИ." Мактабгача таълим кафедра"ўқитувчиси

Б.К.Хайриддинов

магистрант ТВЧДПИ Таълим муассасаларининг бошқаруви"

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6298907>

Аннотация

Мақолада мактабгача таълим муассасаларидаги болалар интеллектуал қobiliятларини ривожлантиришда, тарбиячилар томонидан педагогик жараёни ташкил этишда интерактив методлардан фойдаланишнинг самарали усуллари курсатилган.

Калит сўзлар: машғулот, таълим, тадқиқот, инновация, интерактив, рефлексия, энержайзер.

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда oilаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, хусусан тарбиячилар катта рол уйнийди.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида мурғбак қалбларга эга бўлган авлодга таълим тарбия бераётган тарбиячиларнинг олдиларида энг муҳим вазифаларидан бири ҳам болаларнинг бунёдкорлик хисларини тарбиялаш, ижодкорлик ва креативлик кўникмаларини тарбиялаш, ҳамда табиат яратган бойликлардан оқилона фойдаланиш руҳида тарбиялашдан иборат.

Охирги вақтлардаги таълим-тарбия мазмуни, шакли, восита ва методларини янгилашга эътибор бериш, мактабгача таълимга оид инновацияларни излаш, уни таълим-тарбия жараёнига, тарбиячиларнинг педагогик фаолиятига киритиб боришда уларнинг малака ошириш тизимининг аҳамияти каттадир. Айниқса, педагогик фаолиятга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш, инновацияларни жорий этиш, ўқитувчи ва тарбиячиларни замонавий усуллардан фойдаланиш, кўникма ва малакалари билан қуроллантириш малака ошириш тизими олдида қўйилган вазифалар замирида амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунё психологлари таъкидлаганидек, «индиго» болалар дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни яъни уларни дунёқарашлари катталарга нисбаттан тез сезмоқдалар. Шунинг учун бугунги кун тарбиячилари олдида бир қатор долзарб вазифалар турибди. Шулардан бири таълим жараёнида интерактив усуллардан фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам мактабгача педагогларни педагогик фаолиятини ҳамда дунёвий билимларини ва таълим тарбия тизимини ривожлантириш ҳозирги замон давр талабидир.

Мактабгача таълим тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- малакли тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;
- болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
- мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- мактабгача муассасаларнинг ҳархил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;
- мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб - қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Тарбиячиларни интерактив усуллардан оқилона, мақсад ва шароитга мувофиқ тарзда дидактик тамойилларга асосланган ҳолда фойдаланишга ўргатиш бугунги кунда замонавий педагогиканинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаларда тарбиячилар ўз фаолиятларига замонавий усулларнига оид илмий мақолалар, рисоалар, татбиқ этиб келмоқдалар. Баъзан, интерактив усулларнинг моҳияти ва мақсадини тўлиқ англамаган ҳолда қўлламоқдалар. Шунинг учун малакаошириш жараёнининг ўзида интерактив ўқув муҳити яратилиб, тарбиячилар унинг бевосита иштирокчисига айлансалар, яъни ҳар бир интерфаол усулни бевосита ўзларидан утказиб узлаштирсалар, ушбу усулларни мактабгача таълимга мослаштириб, амалиётга татбиқ этишлариш унчалик осон ва қулай кечади.

Мактабгача таълим муассасаларида интерактив усуллардан «Ақлий ҳужум», «Ролли ўйин», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Баҳс мунозара», «Галереяга сайр», «Кластер», «Бумеранг», «Энержайзерлар» дан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи машғулот ўтказиш жараёнида машғулотнинг боши ва охирида мавзу юзасидан болаларнинг тушунчаларини аниқлаш ҳамда олган билимларини мустаҳкамлаш учун ақлий ҳужум усулидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. «Кичик гуруҳларда ишлаш» болаларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашувига асосланади. Бўнда гуруҳда таҳлил қилиш, текшириш асосида берилган мавзу ишлаб чиқилади. «Ролли ўйинлар»да болаларга бирор муаммоли вазият берилади. Болалар бу муаммони узига хос метод ёрдамида реал ҳаёт ҳолатларини жонлантирадилар.

Баҳс-мунозара методида болаларга бир кун олдин мавзу берилади. Болалар саволларга ота-оналаридан сўраб оғзаки жавоб топиб келадилар ҳамда берилган саволларга жавоблар «баҳс-мунозара» асосида олиб борилади. Педагогик технология – болани мустақил ижод қилиш, билим олиш, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Методика – педагогнинг билими, кўникмаси, маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шахс, педагог учун қулай бўлган ўқитиш усуллари ва йуллари мажмуидир. У алоҳида методикаларга ажратилади: Педагогика фани маълум ўқув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Болага билимлар тайёр ҳолда берилмайди, у келгусида билимларни манбалардан мустақил

оладиган, фикрлай олиш, мустақил позицияда тўра олишга ўргатилади. Барча болаларни ўз қобилиятлари эҳтиёжлари даражасида албатта ўзлаштириб олишлари кафолатланади.

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, ҳалқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Тарбия олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний кадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган интерактив усуллар ва методлардан фойдаланиш мактабгача таълим сифати ва самарадорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Тарбиячининг машғулотга тайёргарлик модулини қўллаш усуллари билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, ҳар бир машғулот аввалида тарбиячи «бугунги педагогик вақтда болаларга нималарни ўргата оламан?» деган саволни ўз олдига қўйиши ва аниқ мақсадни белгилаб олиши зарур. Шунинг учун ҳар бир тарбиячи тайёргарлик модулини яратишида педагогик вазият учун кетадиган тахминий вақтни аниқ белгилаши лозим. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, интерактив усулларни қўллаб тайёрлов гуруҳида тажриба-тадқиқот машғулотининг тарбиячи томонидан тайёргарлик модули ва машғулот ишланмасидан намуна келтирамиз: Мавзу: Ҳаво билан таништириш.

Тарбиячи: Болалар ҳозир мен сизларга бир топишмоқни айтаман. Топишмоқнинг жавобини топсангиз, сизларни тақдимлаймиз. Агар қулимиздаги шарни дамласак, уни ичида нимани кўрамиз?

-Болалар: Ҳаво.

-Тарбиячи: Айтинг-чи, атрофимиздаги ҳавони курамизми?

-Болалар: Йук, курмаймиз.

-Тарбиячи: Болалар ҳавони куриш ва билиш учун уни тутишимиз керак.

-Тажриба: «Куринмасни тут!».

-Тарбиячи: Ҳаммангиз стол устидаги полиэтилен халтани қулингизга олинг, унда нима борлигини аниқланг?

-Болалар: У буш.

-Тарбиячи: Уни олиб бирнеча марта пуфлаймиз, энди уни бураймиз, халта ҳавога тулди, ҳаво тулдирилган халтача ёстиқча ўхшайди. Ҳаво бутун ёстиқчага ўрнашиб халтачани эгаллади.

Агар биз уни ечиб юборсак нима бўлади?

-Болалар: Халтадаги ҳаво чиқиб кетади, буюм ўз ҳолига қайтади.

-Тарбиячи: Ҳавони сезиш учун уни тутишимиз керак экан, биз бўнга эришдик.

Ҳар бир гуруҳ аъзолари давра куриб, бир-бирларининг қўлларини маҳкам ушлайдилар. Тарбиячи ҳар бир гуруҳга бирнечта шар беради. Уларнинг вазифаси қўлларини қўйиб юбормасдан шарларни ҳавода иложи борича кўпроқ уйнатишдан иборат. Ерга тушган шарни олиш мумкин эмас. Шарларни узоқ вақт ҳавода ушлаб уйнатган гуруҳ ғолиб деб топилади.

Интерактив ўқитиш машғулотини ўтказишда қуйидагиларга эътибор қаратишингиз тавсия этилади:

. Машғулот иштирокчиларига, мавзуни танлаш:

- иштирокчилар ёши, уларнинг қизиқишларига;
- машғулот ўтказишнинг вақтинчалик белгилари;
- шу мавзуда ушбу гуруҳлар билан аввал машғулот ўтказилганми?
- Шу машғулотга гуруҳнинг қизиқиши.

Керакли шартлар қўйидагилар:

- Машғулот мақсади.
- Тарқатма материаллар.
- Техник жиҳозлар.
- Иштирокчилар.
- Асосий саволлар, уларнинг кетма-кетлиги.
- Ҳаётдан амалий мисоллар. Ҳар бир машғулотда бўлиши керак бўлган аспектлар:
- Ечими керак бўлган муаммони аниқлаш.
- Иштирокчиларни таништириш (танишув учун машғулотлар, эмоционал сиқувларни бартараф этиш).
- Келажакда олинган билимларни қўллаш.
- Амалий қисм. Интерактив методлар:
- Танишув, «Музёра» ўйин.
- Давра суҳбати.
- Ақлий ҳужум.
- Ролли ўйинлар.
- Кичик гуруҳларда ишлаш.
- Жуфтликда ишлаш.
- Баҳс-мунозара.
- Галереяга сайр.
- Энержайзерлар.

Ушбу интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда турли қизиқарли машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш болаларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини ошириб, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, интерфаол усулларни амалда қўллаш натижасида болалар бу усулларни ўзидан ўтказиб, купроқ амалий билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

Юкоридаги фикрлардан хулоса қилиб қўйидагиларни айтиш жоиз:

-мактабгача ёшдаги болалар қизиқувчан, ҳаракатчан, ташаббускор, эркин фикрловчи, кўзатувчан, соғлом бўлиши керак. Ҳозирда ҳар бир бола эркин ижод қилиши ва ўзининг қобилиятини кўрсата олиш ҳуқуқига эга. -ноанъанавий машғулотларда илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда меҳр билан болаларга иқтидорини намоён қилишига шароит яратиб беришимиз зарур.

- тарбиячиларнинг ўтаётган машғулотлари замон талаблари асосид бўлибгина қолмасдан, тарбияланувчининг ўзи ҳам бу машғулотдан завқ олсин;

АДАБИЁТЛАР:

1. «Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини модернизациялаштириш – юксак маънавиятли келажак авлодни тарбиялаш негизидир» мавзусидаги Республика илмий-

- амалий анжумани материаллари. - Т., 2009. .М.Усмонова.
2. 6-7-ёшли болалар нутқини ривожлантиришда таълимий машғулотларнинг ўрни. Журнал дошкольного образования, (№1) Usmonova, M. (2021).
 3. Кичик мактаб ёшдаги боланинг мотивация соҳасини ривожланиши: Журнал дошкольного образования, 2(2).
 4. А.Каримжанов,Д.А.Каримжанова. "Ўқув муассасаларда меъёрий ҳужжатларни юритиш." Ўқув қулланма.Ташкент, 2020 й.
 5. А.Каримжанов, Д.А.Каримжанова. "Бозй ва инкишофи нутқи наврасон". Ўқув қулланма. Ташкент, 2021 й.
 6. Usmanova, M. (2020). THE CONCEPT OF EDUCATIONAL PROFESSIONAL COMPETENCE AND ITS YIELD FACTORS. Архив Научных Публикаций JSPI.
 7. Г.Ҳамидова,Ф.Нумонжонова. Мактабгача ёшдаги болалар интеллектуал қобилиятларини интерактив методлар орқали ривожлантириш. Таълим, фан ва инновация, 2020/2